

АБАДИЯТ САДОЛАРИ

(Бир сурат хаёли)

(Эссе)

Абадият — абадул-абад сир...

Дунёда нима абадий, ниманинг умри боқий ва нима мангу? Мангулик шохсупасидан кимлар ва нималар ўрин олади? Абадиятнинг асл ва тоза илдизлари қаерда? Абадият муҳри қачон, ким томонидан босилади? Бу сеҳрли муҳрнинг эгаси борми, муҳрдори-чи?.. Абадий тириклик суви! Бу ҳалол, покиза сув қайси муборак булоқда пайдо бўлади ва қай бир муборак зотга насиб этади?..

Инсоният пайдо бўлибдики, бундан ҳам мураккаб, бундан ҳам оғир ва танг саволларга жавоблар излайди. Саволларнинг сарҳадлари саҳролардек бепоён, чуққилар каби олис. Жавоблар эса юлдузлар қадар узоқ. Лекин инсон ана шу жавобларни топмоқ, топиб эшитмоқ, эшитиш учун юлдузларга етмоқ истади. Бу абадий истак унта асло тинчлик бермайди. Мудом аклини, тафаккурини қайрашга ундайди, мудом комиллик пиллапояларидан юқори кўтарилишга даъват этади. Инсон комилликка интилган сари ҳайрат ва ҳаяжонга тушаверади. Оламшумул кашфиётлар яратади. Мўъжизалар бунёд этади. Буларнинг барчаси абадият саҳифаларига муҳрланиб бораверади. Абадият жумбоғи жумбоғлигича сири сирлигича қолаверади. Шоир айтганидек: «Айланур чархий фалакнинг давридек мангу жаҳон...».

Таникли рассом Баҳодир Жалоловнинг Ўзбекистон Давлат тарихи музейи фойесида ишлаган «Абадият гумбази остида» полотноси ана шу мангу саволларга жавоб излашга, абадият сирларини билишга ундайди. Асар номидан кўриниб турибдики, унинг мавзуси анча кенг ва кўп қиррали. Бир қарашда унда тасвир этилган мавзуни англаб етиш қийин. Асарни тушуниш бироз мураккаб. Лекин унинг асосий рангини, тасвир калитини топиб олсангиз воқеалар шиддати асар оламига етаклаб кетади.

Асарнинг қуйи қисмида турли даврларда бошқа-бошқа замонларда яшаган бир гуруҳ алломалар давра қуришган. Ўртада оппоқ соқоллари кўксига тушган нуроний бахши абадият ҳақида дoston сўзлапти. Унинг олдида улкан китоб. Бу китобнинг ҳар бир саҳифаси неча-неча асрларга татийди. Бобо эса абадият садоларини сўйлашдан чарчамайди. Улар дан сал юқорида яна уч буюк зот тасвирланган. Ўртада улғ мутафаккир Алишер Навоий. Ҳазратнинг кўзларида, юзларида ҳайрат ва ижод ишқи. У кишининг бир ёнида Заҳриддин Муҳаммад Бобур, кўлларида китоб ғазал ўқияпти:

Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ,
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ...

Навоийнинг яна бир ёнида машҳур мусаввир Бехзод ранглар дунёсига батамом ошно бўлиб, завқ билан миниатюра чизяпти. Улардан юқорида соҳибқирон Амир Темур Парижда ишланган олтин ҳайкалда тасвирланган. У от устида ҳақиқий жаҳонгирларга хос кўллари тиззаларига қўйганича мағрур қиёфада ўтирибди. Унинг кўзларида адолат туйғуси. Амир Темур фонида Мадраса, мадрасанинг пештоқида ҳалифа Усмон даврида кўчирилган Қуръони Карим акс этган. Ундан сўнг мустақил Ўзбекистон манзаралари бошланади. Ўртада юртбошимиз Ислom Каримов мустақил диёрнинг нурли келажагига мағрур ва ўктам боқиб турибди. Ўзбекистон герби гўё қуёшдай порлайди. Ундан юқорида бурж тасвири. Замон чархпалаги шиддат билан айланыпти.

Полотнода Шарқ ва Ғарб оламининг абадиятга дахлдор нуқталари теран топилган ва маҳорат билан чизилган. Тарих ўзининг мангулик муҳрини босиб кетган улғ зотларнинг юзлари, санъат намуналари, қадим бинолар ва уйғониш даври белгилари бир-бири билан ниҳоятда уйғунлашиб кетган тарзда яратилган. Рассом Шарқ ва Ғарбни

бир-биридан ажратмайди, бир-биридан камситмайди, аксинча Шарқ Ғарб ҳамиша бир-бирини маънавият булоқлари билан тўлдириб, бир-бирини ҳайратга солиб, бир-биридан ўрганиб келяпти, деган фикрни ёрқин ифода этган. Гўё ана шу икки оламнинг маданияти ва маърифати абадият тимсолида ер юзига қуёш нурларидай сочилган. Асарнинг ўнг томонида Яссавий мақбарасидаги Амир Темур совға қилган қозоннинг бир бўлаги кўзга ташланади. Қозонда бир дона хушбуй атиргул очилиб турибди. Қозоннинг теппасида бир йигит тескари туриб най чалаяпти. Ҳали у юзини кўрсатганича йўқ. Тепадан тўкилаётган нақш олмалар худди най наволарига ўйинга тушаётгандай. Гижинглаб келаётган оқ тойчоқ гўё Амир Темурнинг отига эргашмоқчидай талпинади. Тойнинг ёнида парвозга шайланаётган ўсмир. Той ҳадемай от бўлади, ўсмир эса паҳлавон йигит. Бу буюк заминда яна бир шиддаткор, жасоратли, маърифатли, мағрур чавандоз пайдо бўлаётганидан далолат.

Бу чавандоз мустақил Ўзбекистон тимсолида жаҳоннинг етук маданиятли, илғор маърифатли ва маънавияти юксак мамлакатлари сари дадил интилажак. Истиқлол берган буюк уйғониш нурларини дунё бўйлаб сочажак...

Юлдузлар занжири полотнонинг бир неча жойларидан кесиб ўтган. Гўё улар инсониятнинг тафаккур дунёсини бирлаштириб, абадиятдан садо бериб турибди. Бу садолар ҳеч қачон тинмайди, ҳеч қачон инсон ақли ва қалбини тарқ этмайди. Абадият садолари инсонни ҳамиша ҳар қачон иймонга, диёнатга, ҳалоллик ва яхшиликка, комиллик ва мукаммалликка даъват этиб туради. Асарнинг умрбоқийлиги ҳам шунда.

**Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист
Ашурали Жўраевнинг
“Сенга кўнгил
Берсам” номли
китобидан**